

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

**ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ
ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

2022 йил 13–14 апрель

Гулистон – 2022

*Комилова Н.К.-з.ф.д., профессори,
Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси
+998977185566,*

nkomilova75@mail.ru

*Мухаммедова Назокат Жураевна- ўқитувчиси, PhD.
Навоий Давлат педагогика институти География ўқитиш методикаси
кафедраси*

nazoguli85@mail.ru

*Сафарова Н.И.- з.ф.н., доцент
ТДПУ, Табиий фанлар факультети География ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси*

nasibasafarova1975@gmail.com

*Зайнутдинова Д.К.- Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси таянч докторанти*

z.dilnozab83@mail.ru

*Абдувалиева З.Л.- Андижон давлат университети Табиий фанлар факультети,
География кафедраси таянч докторанти*

zulftyaqurshidbek1217@mail.com

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОЗОЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛ
ҚИЛИШ АСОСИДА ИХТИСОСЛАШГАН ХАРИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ (ЖИЗЗАХ
ВА СЫРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ УЧУН)”**

Калит (таянч) сўзлар: нозоэкология, нозогеография, тиббиёт географияси, географик патологиялар, тиббий картография, нозогеографик карта, аҳоли саломатлиги, нозоклимий омиллар, кассалланиш, нозокарталар.

**"РАЗРАБОТКА СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ КАРТ НА ОСНОВЕ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО АНАЛИЗА НОЗОЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ
УЗБЕКИСТАНА (ДЛЯ ДЖИЗАКСКОЙ И СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТЕЙ)"**

Ключевые слова: нозоэкология, нозогеография, медицинская география, географические патологии, медицинская картография, нозогеографическая карта, здоровье населения, нозоклиматические факторы, заболеваемость, нозокарт.

**"DEVELOPMENT OF SPECIALIZED MAPS ON THE BASIS OF
GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF NOSOEKOLOGICAL CONDITIONS OF
UZBEKISTAN (FOR JIZAK AND SYRDARYA REGIONS)"**

Keywords: nosoecology, nosogeography, medical geography, geographical pathologies, medical cartography, nosogeographic map, population health, nosoclimatic factors, morbidity, nosocaps.

Кирини. Замон талабларига жавоб берадиган географик карталар ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбир қилиш ҳам назарий, ҳам амалий томондан жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада аҳоли саломатлигини баҳоловчи, унга таъсир этувчи табиий-экологик, иқтимоий-иқтисодий ва демографик омилларни ўзида акс эттирувчи тиббий-географик карталар яратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Касалланиш ва умр кўриш давомийлигининг глобал ва минтақавий миқёсдаги географик тафовутлари салбий табиий ва иқтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсирининг ҳудудий ўзгаришчанлиги билан боғлиқ. Шу сабабли, атроф-муҳит ва аҳоли касалланишининг ҳудудий фарқланиши ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш талабларини инобатга олган ҳолда дунёдаги ва муайян ҳудудлардаги тиббий-географик вазиятни вазиятни акс эттирувчи карталарни тузиш, тиббий-географик прогнозлар ишлаб чиқиш зарур. Маъмур ҳолатлар ушбу ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Жиззах ва Сирдарё вилоятлари нозоэкологик шароитининг географик тафовутларини таҳлил қилиш, баҳолаш асосида нозодемографик ва нозоэкологик вазиятга тегишли туркум карталарни ишлаб чиқиш, атроф-муҳитнинг салбий омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсир даражасини аниқлаш, шунингдек республикани барқарор ривожлантириш бўйича тавсияларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари аввало, минтақа шаҳарларида нозоэкологик вазиятга таъсир этувчи асосий омилларни ўрганиш, ҳудудларда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ нозогеографик вазиятни аниқлаш ва баҳолаш; - аҳоли касалликларининг ҳудудий таркибини таҳлил қилиш асосида вилоятлар тиббий географик вазиятини яхшилаш билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш; - аҳоли саломатлигига таъсир этувчи табиий, иқтимоий-иқтисодий географик омилларни баҳолаш; - Жиззах ва Сирдарё вилоятлари туманлари доирасида аҳоли ўлими ва касалланиши билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилиш; - минтақа нозогеографик ҳолатидаги асосий муаммоларни белгилаш ва аҳоли орасида мавжуд касаллик гуруҳ ва турларини прогноз қилишдир. Шу билан бирга ушбу ишда: касалланиш ва умр давомийлиги кўрсаткичларининг келажақдаги ҳолати, уларнинг мамлакат иқтимоий-иқтисодий ўзгаришига таъсирини очиб бериш ҳамда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари турли табиий-ҳўжалик зоналарида аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича касалланиш тафовутлари аниқлашдан иборат.

Айтиш лозимки, тиббий географик тадқиқотлар, жумладан аҳолининг касалланиш кўрсаткичлари ҳамда касалликларнинг ҳудудий таркиби масалалари собиқ Иттифок ва ҳозирги МДХ давлатлари олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Улар қаторига энг аввало, Д.К.Заболотный, Е.Н.Павловский, А.А.Шошин, А.В.Чаклин, А.П.Авцын, Е.И.Игнатъев, Б.Б.Прохоров, Е.Л.Райх, В.П.Подольн, А.А.Келлер, А.Г.Воронов кабилари киритиш мумкин[1].

Юқорида қайд этилган олимларнинг ҳар бири тиббиёт географиясининг у ёки бу тармоғи ривожига ўз хиссаларини қўшганлар. Чунончи, тиббиёт географиясининг назарий масалалари бўйича А.А.Шошин, Д.К.Заболотный, Е.Л.Райх, тиббий географик районлаштиришга доир илмий тадқиқотлар Б.Б.Прохоров, В.П.Подольн, Е.И.Игнатъев, А.Г.Вороновлар томонидан амалга оширилган. Онкогеографиянинг асосчиси сифатида эса А.В.Чаклин, географик патологиянинг ривожланишига самарали хисса қўшган олимлар қаторида А.П.Авцын алоҳида эътироф этилади. Е.Н.Павловский муайян ландшафтларда учрайдиган юқумли касалликлар ўчоқлари тўғрисидаги таълимотга асос солган[2].

Хорижий олимлар орасида Ж.Мей, С.Шварц, Ф.К.Хэ, Р.Пентл, Т.Миллер, Д.Х.Медоуз, Е.Шаала, У.Борджерс ва бошқаларнинг ҳам тиббиёт географиясининг ривожланишида хизматлари катта[3].

Мамлакатимизда кўрилаётган муаммога бироз яқин соҳалар билан О.Б.Ата-Мирзоев (миллий аҳоли сиёсати муаммолари доирасида), Х.Т.Турсунов (Тошкент шаҳри экологияси билан боғлиқ аҳолининг касалланиш масалалари), М.Назаров (Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари) И.Р.Турдимамбетов (Қуйи Амударё минтақасининг тиббий географик ҳолати), М.Ҳамроев (Хоразм вилояти иқтимоий экологияси ва аҳоли саломатлигининг географик хусусиятлари), Саломатлик ва тиббий статистика, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтлари ҳамда Иқтимоий фикр маркази мутахассислари шуғулланишган[4].

Айтиш лозимки ҳудудлар нозоэкологик тафовутларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида карталар ишлаб чиқиш, атроф-муҳит салбий омилларининг аҳоли саломатлигига таъсирини аниқлашда Россия, АҚШ, Англия, Япония сингари давлатларнинг олимлари етарли даражада ютуқларга эришган.

Тиббий географик карталар яратиш, ўрганиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Москва Давлат университети[5]да кенг кўламли амалга оширилган. Шунингдек, Калифорния, Оксфорд, Токио университетларида жадвал суръатлар билан олиб борилмоқда. Олинган натижалар асосида вилоятлар, алоҳида аҳоли манзилгоҳларининг нозогеографик карталарини ишлаб чиқиш ва амалиётта тадбиқ этиш кўзда тутилган. Шунингдек, тадқиқотда касалликларнинг ҳудудий тафовутлари ва таркибини

ўрганиш асосида минтақаларнинг нозогеографик вазиятини, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ўзида акс эттирувчи иқтисослашган карталар ишлаб чиқиш, тиббий географик атлас тузиш ва бунда асосий эътибор Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қаратилиши кўзда тутилган. Бунда дастлаб статистик, дала-тадқиқотлари, социологик материаллар таҳлили асосида махсус карталар тузилади. Карталар кампоновкаларини тузишда уларнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадқиқотда атроф-муҳитнинг зарарли минтақавий омилларини аниқлаш амалиёти бажариш кўзда тутилган, тупроқнинг ифлосланиши, ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби тадқиқ этилади. Сув ва тупроқ намуналари келтирилади ва махсус лабораторияларда текширилади. Оғир металллар, пестицидлар миқдорини ўрганиш бўйича таҳлиллар ўтказилади. Мирзачўл иқтисодий районининг айрим ҳудудлари бўйлаб экспедициясини ўз ичига олади. Шунингдек тиббий географик районида (Зомин ва бошқа тоғ олди ҳудудларида) бальнеологик ресурслар баҳоланади, аҳоли касалланишининг ҳудудий тафовутларни, тиббий-географик районлар кесимида касаллик ва атроф-муҳитнинг зарарли омиллари ўртасидаги корреляцион алоқалар аниқланади. Москва Давлат Университети биогеография кафедраси ҳамда геоэкология лабораториясида, шунингдек ва Картография ишлаб чиқариш корхонаси, (Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти олимлари) мутахассислари билан фикр алмашинади.

-Танлаб олинган мундир районларда (Янгиер, Ховос ва бошқа туманларда), нозогеографик таҳлиллар ўтказиш: аҳоли орасида айрим салмоғи юқори касаллик турлари сабабларини аниқлаш; ўта хавfli касалликларнинг айрим турлари (чечак, куйдирги, геморрагик иситма, бруцеллез, кутуриш), ўчоқ ҳосил қилувчи касалликлар билан боғлиқ статистик маълумотлар тўпланади, мутахассислар фикр-мулоҳазалари асосида услубий қўлланма ёхуд картографик ишланмалар тайёрланади (Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти олимлари). Айрим юқумли касалликлар (туберкулёз, ОИТС/ОИВ) нинг ҳар бир вилоятлар учун хос махсус карталари яратиш билан боғлиқ материаллар тўпланади ва мутахассислар фикр-мулоҳазалари асосида карталар тайёрланади.

-Минтақада танотогеографик вазиятни акс эттирувчи махсус карталар (ужумий ўлим, оналар ва гўдаклар ўлими); демографик карталар яратилади (аҳоли сони, зичлиги, умр давомийлиги); касаллик синфлари бўйича касалланиш кўрсаткичлари, шунингдек айрим ўчоқ ҳосил қилувчи касалликлар махсус карталари яратилади. COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари бўйича махсус карталар ишлаб чиқилади, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш (шифокорлар сони, ҳамширалар сони, мутахассислигига кўра шифокорлар билан таъминланганлиги, койкалар сони) бўйича махсус карталар ишлаб чиқилади; урбэкологик вазиятни таҳлил қилишга бағишланган махсус карталар (саноат, атмосфера ҳавоси, сув,

тупроқ қарталари), Жиззақ ва Сирдарё вилоятларида мавжуд доривор ўсимликлар; ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсига оид қарталар яратилади. Яратилган қарталар умумлаштирилади ва тиббий географик Атлас нашрга берилади.

Маълумки, аҳоли ўртасидаги касалликларнинг вужудга келиши ва ҳудудий тарқалиши бевосита табиий ва иқтисодий-иқтимоий шаронгга, айниқса атроф-муҳитнинг экологик вазиятига боғлиқ. Бундай нозокологик вазиятнинг вужудга келиши айрим минтақаларда кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига ва географик тарқалишига сабаб бўлмоқда. Аҳоли ўртасидаги ўлимга сабаб бўлаётган касалликлар қаторида қон айланиш тизими, ўсмалар, нафас олиш аъзолари, юқумли касалликлар асосий ўрин тутуди[6].

Табиий ва иқтимоий муҳитда турли хил касалликларни келтириб чиқарувчи табиий-социал ўчоқлар мавжуд экан, уларни аниқлаш, тавсифлаш, қарталаштириш каби тадқиқот ишларини регионнинг маҳаллий табиий географик шаронгини, рельеф тuzилишини, микроклимини, ер усти, ер ости сув ва тупроқнинг гидрохимёвий ва геохимёвий хусусиятларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, ландшафт комплексларини таксономик бирликлар системаси асосида таҳлил қилиш, иқтисодий-иқтимоий ва демографик омиллар таъсирини таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Нозогеографик мажмуалар маълум табиий географик ва иқтимоий-иқтисодий, социал муҳитда, уларнинг таъсири остида вужудга келадиган турли хил касалликларнинг ҳудудий бирикмасидир. Нозомажмуаларни экологик нуқтан назардан ўрганмас эканмиз, бу борада муаммоларни бартараф қила олмаймиз.

Умуман олганда, режалаштирилган тиббий географик тадқиқотларни амалга ошириш республикамизда, қолаверса унинг айрим вилоятларида нозокологик вазиятни баҳолашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Малхазова С. М. Медико-географический анализ территорий: картографирование, оценка, прогноз. – М: Научный мир, 2001. – 240 с.
2. Фельдман Е. С. Медико-географическое картографирование: современное состояние и принципы развития. Медицинская география и здоровье. Ленинград: Наука, 1989, С. 65—76.
3. Melinda S. Meade and Michael Emch Medical Geography, Third Edition, 2010.
4. Комилова Н.К. Тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалалари. -Тошкент, "SHARQ", 2016. 277 б.
5. Малхазова С.М., Миронова В.А., Орлов Д.С., Шартова Н.В. Медико-географический атлас России «Природноочаговые болезни» как средство для анализа заболеваемости населения в журнале Медицинская паразитология и паразитарные болезни, издательство С-ИНФО (М), 2014, № 4, с. 3-8
6. Комилова Н., Разванов А., Мухаммедова Н. Тиббиёт географияси ва глобал саломатлик. Т., 2018.

МУНДАРИЖА

Ходжаев М. Т. Кириш сўзи	3
I ШУЪБА. ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	
Nigmatov A.N. Geotizim – yagona geografik obyekt sifatida	5
Komilova N.K., Mukhammadova N.J., Saifarova N.I., Zaynutdinova D.K., Abdualiyeva Z.L. “Ўзбекистоннинг нозокологик шароитини географик таҳлил қилиш асосида иктисослашган хариталар ишлаб чиқиш (жиззах ва сирдарё вилоятлари учун)”	10
Tojiyeva Z.N., Pardayev N.S.- Surxondaro viloyati aholisi ishlab tarmoqlaridagi bandligining hududiy xususiyatlari	15
Umurzoqov Sh.D. O'zbekistonda baliqchilik xo'jaligini tashkil etish masalalari va uning ahamiyati	18
Xidiraliyev K.E., Joniqulov B.R.- Ishlab chiqarish kuchlarini oqilona joylashtirish mexanizmi (oziq-ovqat korxonalari misolida)	20
Adilova O.A., Mukhtorova Sh.I.- Mirzachul landshaftlarining kadimda uzlashtirilish tarixi	23
Abdunazarov X.M., Niyozov X.M.- Janubiy Uzbekiston iqtisodiy rayonida sanoat ishlab chiqarishining shakllanishi va rivojlanishi	26
Bahriddinov B.A., Mingaliyev R.O.- Uzun tumani biologik resurslari, ulardan oqilona foydalanish va muhofaza qilish	28
Sattarov A.U., Maxmarajabov B.N.- O'zbekiston respublikasi qishloq aholisining o'sishi va joylashishining ba'zi masalalari	31
Tohibev N.A., Qalandarova D.D.- Qishloq x'jaligi ekinlarini sug'orishda kollektor-zovur suvlaridan foydalanish. (Buxoro viloyati misolida)	38
Tojiyeva Z.N., Xursanov S.M.- Surxondaryo viloyati aholisi milliy tarkibining shakllanishi tarixi	42
Abdullaev S.I., Fayzullov M.A., Nazarov M.G.- Geografiya da differentsiatsiya va integratsiya jarayonlari	44
Egamqulov H.E.- Sirdaryo viloyati nozoekologik holatiga ta'sir qiluvchi omillar	48
Akramov Z.O.- Navoiy viloyatining ekoturistik imkoniyatlari va turistik marshrutlar	51
Alibekov Y., Akhunboboev M., Tuxtamishov S.- Turkiston, Morguzar Toғ Tizmalari va Mirzachulning tabiiy resurslari chorvachilik tarakkiysi xususida	53
Umirzaqov O.A.- Nozoekologik holat va sog'lomlashtirish maskanlarini joylashtirish muammolari (Jizzax viloyati misolida)	56
Ibragimov T.Sh.- Qashqadaryo viloyati turistik obyektlardan oqilona foydalanish va muhofaza qilish	60
Madrahimova Z.N., Tursunbayeva M.O'.-Ibn Navoqal ta'rifida Ushrusana etno hamda oykotoronimlarining qo'llanilishi va geografiya tarixidagi ahamiyati	63
Kanazarov Z.Y., Ablirayimov S.J., Nuratdinov A.Y.- Chizindli klasteri – Konstruktiv geografiyaning obyekti sifatida (Nuxus shaxri chizindli poligoni misolida)	65
Tobirov O.K. Farqona vodiysi tabiiy geografik k'rsatkichlarini geografik axborot tizimi (GAT) asosida turistik baholash metodologiyasi	70
Altibayeva M.B.- Sirdaryo viloyati geografik o'rni va tabiiy sharoitidan kelib chiqqan holda dam olish maskanlarini tashkil etish muammolari	78